

**REGANUM HARMALA ЎСИМЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ешчанова Сайёра Шукурулла қизи,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими  
Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти катта илмий ходими,

Мамутова Бийбиназ Усайн қизи

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва  
агротехнологиялар институти магистранти

Ҳозирги вақтда энг долзарб муаммолардан бири доривор ўсимликларнинг экологик ҳолатини баҳолаш ва улар тарқалган ҳудудларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб жумладан, замонавий тиббиёт ва халқ табобатида қўлланиладиган ўсимлик турларини инвентаризациялаш, қимматбаҳо ва фармацевтикада эҳтиёж юқори турлари асосида доривор препаратлар яратиш тадбирлари ишлаб чиқишга бағишланган кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, турли тупроқ-иқлим шароитларида доривор ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини аниқлаш, уларга экологик омилларнинг таъсирини ўрганиш ва медицина соҳасида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.


Ҳозирги кунда сайёрамизнинг биологик тизимларига инсоннинг таъсири мисли кўринмаган кўламга ва суръатларга эга бўлмоқда. Табиатга босимни кундан кунга кучайиши эволюцион ривожланишнинг қайсидир боғламларини узиб ташламоқда ва натижада кўпгина турлар йўқ бўлиб кетмоқда. Қорақалпоғистон ҳудудининг ўсимликлар қоплами хилма-хилликка эга. Асосан мазкур ҳудудда минтақа типига боғлиқ чўл ўсимликлари ўсади. Ҳудуд ўсимликлари ривожланишининг тез етилувчанлиги (эфемерлар), қурғоқчиликка мослашувчанлиги (ксероморф), баъзи ўсимлик илдизларининг тупроққа чуқур кириб бориши (фреатофит), шўр мухитда ҳам вегетация қилиш хусусиятига эга эканлиги (галофитлар) ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради. Доривор ўсимликлардан тайёрланадиган дори-дармонларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида шифобахш ўсимликлардан янада кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги кунда республикамизда 110 дан ортиқ турдаги доривор ўсимликлар илмий табобатда ишлатилади. Республикамизда доривор ўсимлик маҳсулотларини фармацевтика саноати ҳамда табобат учун хом-ашё етиштириб берадиган махсус ихтисослаштирилган хўжаликлар, фермер хўжаликлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида учрамайдиган, эндиликда табиатимизга мослаштирилаётган ёки Ер шарининг бошқа флористик вилоятларидан интродукция қилинаётган ва иқлимлаштирилаётган доривор ўсимликларни ўрганиш соҳасида ҳам олимлар кўпгина илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар ва бу изланишлар ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистонда табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларнинг 63 оилага, 240 туркумга кирувчи 444 тури ўсади. Умумий флоранинг 40% доривор ўсимликлар ташкил қилади. Бизнинг тадқиқот объектимиз *Reganum harmala* (Адрасман) кўпроқ Қорақалпоғистоннинг чўл ҳудудларида тарқалган бўлиб асосан шу жойларда илмий изланишлар олиб борилди.

*Peganum harmala* (Адрасман) – доривор, асосан таркибида алкалоид сакловчи ўсимликлар бўлиб, улардан ажратиб олинган алкалоидлар асос хусусиятига эга бўлган, азот тутган мураккаб тузилишли органик моддалардир. Биринчи алкалоид бундан 200 йил олдин ажратиб олинган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони бир неча мингдан ошиб кетди ва кундан-кунга ўсимликлардан янги алкалоидлар ажратиб олинмоқда. Ушбу моддалар халқ табобатида кенг қўлланилмоқда ва уларнинг тузилишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Исириқ –туятовондошлар оиласига мансуб, бўйи 60 сантиметрга этадиган, поялари атрофга ёйилиб ўсадиган, умумий габитуси бир метрга борадиган, узун ўқ илдизли кўп йиллик ўсимлик, пояси бир нечта, сертукли. Барги оддий, 4-5 бўлакка ажралган, кулранг-яшил тусли, барг бўлакчалари ўткир учли. Поянинг пастки қисмидаги барглари қисқа банди билан, юқоридагилари бандсиз, пояда кетма-кет жойлашган.

Оқ-сарғиш гуллари шохларида якка-якка ва баргга нисбатан қарама-қарши ўрин олган. Меваси шарсимон, уч чаноқли, кўп уруғли, пишганида очиладиган кўсакча. Уруғлари майда, уч қиррали, жигарранг ёки қўнғир-кулранг, устки томонида майда чуқурчалар бор. Исириқ эрта баҳорда гуркираб ўсади. Унинг ўзига хос бадбўй ҳиди бўлиб, мазаси тахир. Шунинг учун чорва моллари уни эмайди. Ўсимлик май-июн ойларида гуллайди, меваси июл-августларда пишади.

1-жадвал

Ўсимликнинг номи	<i>Peganum harmala</i> (Адрасман)	
Фото		
Яшаш шакли	Кўп йиллик	
Ўсимликнинг бўйи	57-60 см	
Гуллаш вақти	Май-июнь	
Гулнинг ранги	Оқ-сарғиқ	

Исириқ иссиқ шароитда ўсишга мослашган. У аҳоли яшайдиган эрларда чўл ва ярим чўл зоналарида, сўқмоқ йўллар атрофида, бегона ўт сифатида экинлар орасида ҳамда тоғ ён бағирларида ўсади.

Исириқни турли халқлар турлича ном билан атайдилар. Масалан, тожиклар - ҳазоруспанд, туркманлар - юзарлик, қозоқлар - адираспан, қирғизлар - адраспан, форслар - испанд, араблар - хар- мал, руслар - могилник деб аташади.

Исириқ наботот оламидаги минглаб шифобахш ўсимликдан бири бўлиб, унинг таркибида шифобахш та`сирга эга бўлган биологик фаол моддаларнинг мажмуаси бор.

Халқ табобатида исириқнинг эр устки қисмидан тайёрланган қайнатмадан бод, қўтир ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланилади. Исириқдан тайёрланадиган дамлама безгак, тутқаноқ томоқ оғриғи, ҳолдан тойиш ва ўта чарчаш натижасида асабнинг бузилишида (неврастения) уйқусизликка қарши шифобахш омил сифатида фойдаланилади. Исириқ ва зиғир уруғларидан тайёрланган қайнатма зикнафас касаллигида (бронхиал астма) наф қилувчи омил ҳисобланса, қаламбир меваси билан исириқ уруғи аралашмасидан тайёрланган қайнатма захм, бод ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади.

Одатда янги уйлар, гўдакли хоналар, сурункали касаллар ётадиган жойлар исириқ билан тутатилади. Илмий медицина исириқ ўсимлиги таркибидаги та`сирчан моддалар инсон кўзи илғай олмайдиган микроорганизмларга қирон келтиришини исботлаб берди.

Исириқнинг тилсимларини очишда Ўзбекистонлик олимларнинг хизматлари катта. Ҳозир исириқдан гармалин, гармин (банистерин), пеганин (вазинин), дезоксивазицинон ва яна бир қатор алкалоидлар ажратиб олинган.

Илмий медицинада исириқдан ажратиб олинган гармин алкалоиди ва ўсимлик илдизидан тайёрланган спиртли суюқлик Паркинсон хасталигини, тутқаноқ, бош миянинг яллиғланиши асорати - қалтирашни даволашда ҳамда ухлатувчи дори сифатида ишлатилган.

Пеганин алкалоиди кишини бардамлаштирувчи, ични маромлаштирувчи ва ўт ҳайдовчи хусусиятга эга булса-да, заҳарли ҳисобланади. Гиёҳ таркибида мавжуд бўлган гармолин алкалоиди ўткир та`сирлиги билан ажралиб туради. Мазкур алкалоид марказий асаб системасига, айниқса бош мия пўстлоғининг ҳаракатини тергаб турувчи марказига қўзғатувчи та`сир кўрсатади. Шу билан бирга, у юрак, ичак, бачадон, суяк мушаклари системасига, бош мия қон томирларининг кенгайишига олиб келади.

Исириқ тутатилганида ажралиб чиқаётган тутун таркибидаги моддалар хавфли хасталикларни қўзғайдиган микробларга қирон келтиради. Шу боисдан ҳам исириқ тутатилган хоналарнинг ҳавоси бир қатор микроблардан тоза бўлган ҳисобланади.

Ҳозир ҳам хавфли хасталиклардан бири - грипп эпидемияси хуруж қилган пайтларда хоналарни исириқ билан тутатиб туриш тавсия қилинади.

Доривор омиллар тайёрлаш учун ўсимликнинг меваси яхши пишгандан сўнг йиғиштириб олинади, уни очиқ ҳавода қуритиб, янчиб, элаб уруғи ажратилади. Баъзан ўсимликнинг барча қисмидан алкалоид олиш учун йиғилган маҳсулот махсус заводларга юборилади.

Исириқ кўкламда гуллари шоналаган ёки очила бошлаганда, ҳаво очиқ пайтида йиғиштириб олингани фойдали. Унинг пояси ўроқ ёки қайчи билан тубидан кесиб олинади. У кўп йиллик фойдали ўсимлик бўлганлиги сабабли илдизи билан суғуриб олиш мумкин эмас, акс ҳолда табиий ривожланишига путур этказилади. Йиғиштириб олинган исириқ пояси соя жойда очиқ ҳавода қуритилади. Халқимиз уни кичик боғламлар қилиб, осиб қуритишади.

Уруғи тўла этилган пайтда - август ойида терилади. Уни териш, йиғиштириш пайтида қўлқоп, респиратордан фойдаланиш керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, инсоннинг ҳар тарафлама камолотга этиши учун аҳоли орасида, шунингдек мактаб ўқувчилари орасида табиатда содир бўладиган ғайритабиий ҳодисалар, мўжизакор ўсимликларнинг моҳиятини оқилона, илмий асосда



тушунтириб бериш уларнинг онгини ўсишида катта ёрдам беради. Хулоса ўрнида шуъни таъкидлаш мумкинки, хар хил ерларда ўсишга мослашган Гармала доривор ўсимлиги сифатида ишлатилиши бўйича етакчилик қилмоқда. Бу каби табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни асраш уларни кўпайтириш лозим.

### АДАБИЁТЛАР

1. Абдиниязова Г.Ж. Қорақалпоғистоннинг доривор, асал-ширалаи ўсимликларининг ҳозирги ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари// Биология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Тошкент -2017. 46 б.
2. Азизов Х.Я. Кузги савринжон (Солчисум аутумнале Л.) ўсимлиги тўғрисида. Фарғона водийси биологик хилма-хиллиги: долзарб муаммолар ва уларнинг эчими мавзусидаги илмий-амалий конференсия материаллари. Андижон 2017. Б.48-50.
3. Ходжиматов К.Х., Ходжиматов О. К., Собиров У.А. Сборник правил пользования объектами лекарственных, пищевых и технических растений. – Ташкент: Янги аср авдоди, 2009. – 172 с.
4. П.С.Чиков «Лекарственные растения» Медицина Москва 2002 г.
5. Кутлымуратова Г.А. К вопросу интродукции лекарственных растений в условиях Республики Каракалпакстан //Аспирант и соискатель, (Россия, Москва).- 2013.- №4(76).-С. 88-90. (ISSN 1608-9014) <http://www.sputnikplus.ru>.